# Коррупцияга қарши курашиш бўйича навбатдаги йиғилиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6247-сон Фармони ижроси юзасидан йиғилишни Халқ депутатлари Олтинсой тумани Кенгаши котибияти мудири, коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши котиб М.Хужанов олиб борди. Шунингдек Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ОАВ вакиллари хам иштирок этишди. Тадбирда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг аппарат ходимлари қатнашдилар.



Йиғилишда таълим-тарбия тизимида учраётган коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш борасида сўз юритилди ва бу борада аниқ, тезкор чораларни кўриш бўйича вазифалар белгилаб олинди.



